

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фаргона,
2021.**

| | |
|---|-----|
| Қ.Йўлчиев Лирик шеърда сюжет ва топохронос | 102 |
| С.Эшонқулова Нодира лирикасининг бадиият олами асослари | 108 |

ТИЛШУНОСЛИК

| | |
|--|-----|
| А.Мамажонов Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши | 113 |
| З.Раҳимов, Ш.Искандарова Фарғона тилшунослик мактаби | 116 |
| Р.Шукуров, Г.Жўрабоева Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир | 123 |
| М.Абдупаттоев Поэтик нутқни ўрганиш масалалари | 128 |
| З.Алимова Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши | 133 |
| Ш.Дадабоева Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари | 138 |
| Н.Якубова Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот объекти сифатида | 142 |
| Л.Абдуллаева Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида | 146 |

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

| | |
|--|-----|
| Н.Расулова Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг моделлари | 150 |
| Г.Ҳамраева Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш усуллари | 157 |

ИЛМИЙ АХБОРОТ

| | |
|--|-----|
| М.Мирзарахимов, А.Сирождидинов, Ж.Назирқулов Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш | 163 |
| М.Султонова Ўзбекистонда телетиббиёт тизимини ташкил этиш тизими модели ва ундаги муаммолар | 167 |
| Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўмонов, М.Акбарова Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш | 171 |
| И.Асқаров, М.Холматова Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби | 175 |
| Х.Муйдинов, Ж.Кодиров Қорамол тери ости бўкалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўкалар ҳашаротларининг учуш муддатлари | 180 |
| Ш.Усанов Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари | 183 |
| А.Эшниязова Ижодкор биографияси ва уруш фожияси | 187 |
| Т.Рузибоев Жудолик Навоий талқинида | 191 |
| Ш.Махмиджонов Руҳият қирраларининг бадиий талқинлари | 195 |

УДК: 417.312.1

ПОЭТИК НУТҚНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ
ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ ПОЭТИЧЕСКОЙ РЕЧИ
PROBLEMS OF LEARNING POETIC SPEECH

Абдупаттоев Муҳаммадтоҳир Тожимамаатович¹

**¹Абдупаттоев Муҳаммадтоҳир
Тожимамаатович**

– Фарғона давлат университети, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти.

Аннотация

Мақолада поэтик нутқнинг лингвистик белги-хусусиятларини аниқлашда унга тизимли ёндашиш – нутқни поэтик фонетика, поэтик лексика, поэтик морфология, поэтик синтаксис мезонлари асосида тадқиқ этиш лозимлиги ҳақида фикр юритилади. Поэтик нутқнинг асосий тил хусусиятлари ҳақида маълумот берилади.

Аннотация

В статье освещена проблема системного подхода к выявлению лингвистических признаков свойств поэтической речи, изложены мнения, касающиеся критериев поэтической фонетики, поэтической лексики, поэтической морфологии и поэтического синтаксиса. Представлены сведения о лингвистических свойствах поэтической речи.

Annotation

This article highlights the problem of a systematic approach to identifying linguistic features of the properties of poetic speech, outlines opinions regarding the criteria of poetic phonetics, poetic vocabulary, morphology and syntax. Provides information on the linguistic properties of poetic speech.

Таянч сўз ва иборалар: поэтик нутқ, тил сатҳи, эмоционал-эстетик функция, поэтик фонетика, поэтик лексика, поэтик морфология, поэтик синтаксис, ассоциатив маъно, экспрессивлик, стилистик бўёқ.

Ключевые слова и выражения: поэтическая речь, языковой уровень, эмоционально-эстетическая функция, поэтическая фонетика, поэтическая лексика, поэтическая морфология, поэтический синтаксис, ассоциативное значение, экспрессивность, стилистическая окраска.

Keywords and expressions: poetic speech, language level, emotional - aesthetic function, poetic phonetics, poetic vocabulary, poetic morphology, poetic syntax, associative meaning, expressiveness, stylistic coloration.

Поэтик нутқнинг тил хусусиятларини ўрганиш тилшунос тадқиқотчилар олдига бирмунча мураккаб ва муаммоли масалаларни кўяди, бунинг асосий сабаби шундаки, поэтик нутқ таҳлили барча тил сатҳлари билан алоқадор бўлиб, ҳар бир лингвистик бирлик поэтик нутқда ўзининг асосий вазифасидан ташқари, кўшимча эмоционал-эстетик функцияни бажаради. Уларнинг ана шу хусусияти тилшуносликда алоҳида атамалар ва лингвистик парадигмалар билан номланади. Ҳар бир лингвистик бирлик поэтик нутқнинг бадиий юктамаси реаллашувига қайсидир жиҳатдан ўз ҳиссасини кўшади. Тил бирликлари ва воситалари, улар қайси сатҳга тегишли бўлишидан қатъий назар, поэтик нутқда муаллифнинг стилистик мақсадини юзага чиқариш учун қўлланади.

Поэтик нутқ дейилганда фақат шеърий асарлар тушунилмаслиги лозим. Насрий асарлар тилида ҳам инсон руҳиятига таъсир этувчи, ўқувчи онгида эҳтиросли

тасаввурларни ҳосил қилувчи таъсирий воситалар мавжуд. Масалан:

Ойи, мен келдим... Эшитяпсизми, ойи, мен яна келдим...

Қаранг, ойи, тагин кўклам кирди. Эсингиздами, ҳар йили баҳор кириши билан сизни далага олиб чиқардим. Сиз чарақлаган офтобни, тиниқ осмонни, кўм-кўк майсаларни кўриб қувонардингиз. Эсингиздами, невараларингиз териб келган бойчечакларни кўзингизга суртиб "омонлиқ-сомонлиқ" қилардингиз...

Бугун... ўзингизнинг устингиздан бойчечак ўсиб чиқибди... Йўқ, йўқ, ойижон... Йиғлаётганим йўқ. Биламан, мен йиғласам, сиз безовта бўласиз. Ҳозир... ҳозир ўтиб кетади. Мана, бўлди...

Эрталаб-чи, ойи, ёмғир ёғди. Қаттиқ ёмғир ёғди. Сиз баҳор ёмғирини яхши кўрардингиз... Кейин офтоб чиқиб кетди. Қаранг, офтоб чарақлаб ётибди... Эсингиздами, сиз менга офтоб тўғрисида

ТИЛШУНОСЛИК

чўпчак айтиб берган эдингиз. Ўша офтоб чарақлаб ётибди... Кўряпсизми...

Эсингиздами, ойи, сиз укамга алла айтардингиз. Мен алланинг оҳангига маст бўлиб ухлаб қолардим. Ўша бешикда мен ҳам ётганман. Аллангиздан мен ҳам ором олганман. Нима қилай, ойи, мен алла айтишни билмайман. Қабрингизни силаб қўйсам ором оласизми... Мана, ойижон, мана... Йўқ, йўқ, йиғлаётганим йўқ. Ҳозир, ҳозир ўтиб кетади. (Ў.Ҳошимов)

Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидан олинган юқоридаги нутқ парчасига диққат қаратамиз. Кўринадики, матн парчаси ҳиссий-таъсирий бўёққа эга бўлиб, ўқувчи онгига кучли таъсир этади, туйғуларини уйғотади. Парчада образлилик, таъсирчанлик, ҳис-туйғулар кучини таъминлаш учун синтактик-стилистик воситаларнинг бир нечта тури иштирок этган. Матнда қўлланилган бундай воситаларнинг маълум бир мақсадда синтактик функционаллашувини кузатишимиз мумкин. Матндаги такрорлар (ойи, баҳор, бойчечак, алла ва ҳ.к. сўзларининг, эсингиздами кириш бўлагининг, Йиғлаётганим йўқ предикатив бирлигининг турли синтактик позицияларда такрорланиши), синтактик параллелизм усули (Қаттиқ ёмғир ёғди, Кейин офтоб чиқиб кетди), синонимия (баҳор-кўклам,) бундан ташқари, ички ритм, бириктирувчи интонация каби синтактик восита ва синтактик фигураларнинг муаллиф мақсадини юзага чиқаришда жуда муҳим вазифа бажариш учун қўлланилгани ойдинлашади.

Бадий нутқ тушунчаси, энг аввало, асар тузилиши ва ички ритмининг ўзаро муносабати билан боғлиқ. Айниқса, шеърий асарларда уларнинг оҳангдорлиги ва оҳанг орқали таъсир қилиш хусусияти бу планда жуда яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам лириканинг уч асосий хусусияти сифатида айтиш, ифодали ўқиш, куйлаш келтирилади. Бу уч хусусият поэтик нутқнинг тузилиши ва ички ритмининг ўзаро мос келиши, уйғунлашувидан келиб чиқади. Ўз навбатида, уларнинг барчаси асар (нутқ)нинг “синтактик композицияси” [1]ни ташкил қилади. Синтактик композиция бир вақтнинг ўзида айтилиш усули ва айтилиш интонациясининг қўлланилган синтактик усул, восита ва фигуралар билан ўзаро мослиги, яхлитлиги ҳамдир. Бунда нутқнинг фикрий таъсирчанлиги ва ҳиссий-таъсирий оҳанги катта аҳамият касб этади.

Поэтик нутқ, энг аввало, оҳангдор, ўзига хос ички ритм ва интонацияга эга бўлган нутқ кўринишидир. Бу хусусиятининг юзага

чиқишида товушлар ва тилнинг фонетик сатҳи бирликлари муҳим вазифа бажаради. Поэтик нутқнинг фонетик ўзига хослиги ҳақида сўз юритилганда, фонема, оҳанг, интонация, темп, тембр каби бирлик ва фонетик ҳодисаларнинг узвий алоқадорликда нутқнинг фонетик “қиёфаси”ни яратишдаги ўрни ва вазифасини ёритиш назарда тутилади. Бунда нутқнинг фикрий таъсирчанлиги ва ҳиссий-таъсирий оҳанги катта аҳамият касб этади. Поэтик нутқда муаллиф томонидан сўз ва бирикмаларнинг танлаб олиниши адабий тил меъёрлари ёки мантиқий талаблар билан эмас, балки матн тузилиши ва шакли ҳамда ритм талаби асосида содир бўлади. Масалан, Ғафур Ғуломнинг машҳур “...Ҳар тонгда бир “донг” деб бонг урса довуллар” сатрида сўзларнинг танланишида мантиқий категория ёки адабий тил меъёрлари эмас, нутқнинг фонетик тузилиши, ички ритми ва оҳангдорлиги асосий вазифа бажарган. Бундай ҳолатларни тадқиқ этиш ва баҳолаш поэтик фонетиканинг долзарб масалаларидан саналади. Зеро, поэтик нутқда қофияланиш масаласи ҳам товушлар оҳангдошлиги ва товуш такрорига асосланади.

Сўз поэтик нутқни ташкил этувчи асосий бирлик ҳисобланади. Ҳар қандай бадий нутқ образлилик устига қурилади, лекин сўз нутқни яратувчи асосий восита ҳисобланади. Поэтик нутқни шакллантирувчи асосий восита образ эмас, сўз эканлиги рус олими Жирмунский асарларида учрайди. У ўзининг “Адабиёт назарияси” асарида мазкур назарияни илгари сурган ҳолда, машҳур тилшунос Потенбнянинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Поэтик нутқнинг асосий материали образ ҳам, ҳис-туйғу ҳам эмас. Поэтик нутқнинг асосий материали сўздир. Поэтик нутқ сўз санъатидир, поэтик нутқ тарихини ўрганиш, сўз тарихини ўрганиш демакдир” [2]. Сўз ва унинг маъноси поэтик нутқнинг ҳам, прозаик нутқнинг ҳам фикр ифода этувчи асосий ифода воситасидир. Шунинг учун ҳам адабиёт сўз санъати дейилади. Поэтик нутқда сўз ифода воситаси бўлиши билан бирга турли стилистик функциялар ҳам бажаради. Сўзнинг семантик структураси поэтик нутқда кенгайди, бошқа (кўчма) маъноларни ҳам ифодалайди. Тилшунос олима З.Д. Попова нутқ таркибида сўз ўзининг асосий маъносида қўлланилган ҳолларда ҳам ўқувчи онгида ассоциатив қаторлар ҳосил қилувчи бошқа маъно ифодалаши ҳам мумкин, деб таъкидлайди [3]. Олима ассоциатив тушунчалар ҳосил бўлиш объектларини икки гуруҳга: а) умумхалқ ёки ижтимоий гуруҳ; б) индивидуал гуруҳларга

бўлиб ўрганади. Бу ўринда умумхалқ учун тушунарли бўлган ассоциатив маънолар *дала маликаси – маккажўхори, оқ ҳарир – пилла каби* ва ўқувчи томонидан индивидуал тушуниладиган *мажнунтол – ғамгин гўзал каби* тасвирий ифодалар назарда тутилган.

Ҳозирги кунда поэтик нутқнинг лингвистик таҳлилида тил бирликлари ва воситаларини функционал аспектда тадқиқ этиш аънамага айланди. Поэтик маънога эга бўлган сўзнинг нутқда қандай маънода қўлланиши нутқнинг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда реаллашади. Бунда сўзнинг маъноси нутқдаги умумий контекст мазмунига тобеланган ҳолда юзага чиқади. Поэтик нутқнинг яратилишида ҳар бир нутқ муаллифининг ўзига хос поэтик тили ва индивидуал услуби, сўз қўллаш маҳорати, синтактик қурилмаларни шакллантиришда – гап қурилишида ўзига хос қолиплари мавжуд. Масалан: Х.Олимжон асарларининг халқчиллиги, М.Юсуф шеърлятидаги оддийлик ва равонлик, А.Қаҳҳор ҳикояларида қисқа ва лўндалик, содда гапларнинг кўп ишлатилиши, Ў.Ҳошимов ижодида фалсафий фикрларнинг кўпроқ қўшма гаплар орқали ифодаланиши ана шу ҳолат билан изоҳланади. Бадиий асарнинг яратилиш жараёни ва поэтик сайқалланиш босқичи индивидуал ҳодисадир. Поэтик нутқ муаллифининг, оддий, аънавий мулоқотдан фарқли тарзда, фикрини ўз индивидуал услубида баён этиши, сўз танлаш, сўз қўллаш маҳорати, такрорланмас услуби фақат асар тилининг бадиий тадқиқи орқалигина аниқланади. Уларни ўрганиш поэтик лексика муаммоларини ташкил этади.

Морфологик бирликларнинг поэтик нутқ учун хосланиши масалалари ҳам тадқиқотчи учун қимматли материаллар бериши, шубҳасиздир. Ҳар бир сўз шакли – морфемик бирликларнинг поэтик нутқда функционаллашуви, ҳиссий-таъсирийлик, экспрессивлик, образлилики юзага чиқаришда муаллиф улардан усталик билан фойдаланади. Бунда нутқ муаллифининг бадиий маҳорати алоҳида аҳамиятга эга. Масалан: исламоқ ва искамоқ сўзшаклларида *-ла, -ка* морфемаларини қўллашда мазкур морфемалардаги маъно нозиклигини тушуниш, ҳис қилиш ва шунга кўра поэтик нутқда маъно дифференциясига қараб, ўринли қўллаш мақсадга мувофиқдир. Э.Воҳидов қаламига мансуб *“Истадим сайр айламакни мен ғазал бўстонида...”* сатрлар бор. Бунда муаллиф ҳозирги ўзбек тилидаги феълнинг *–моқ* шакли ўрнига тарихий *–мак* шаклини ишлатган ва бу

билан маълум бир стилистик мақсадга эришган. Поэтик нутқда шу йўл билан таъсирийлик ва эмоционал-экспрессивликка эришилган. Поэтик нутқнинг ана шу жиҳатларига эътибор қаратиш орқали таҳлил қилиш поэтик морфология соҳаси доирасида ўрганилади.

Поэтик нутқнинг синтактик хусусиятлари, энг аввало, синтактик қурилмаларда сўз тартибининг ўзгариши – грамматик қонун-қоидаларга амал қилмаган ҳолда қўлланишида кўзга ташланади. Баъзан насрий нутқнинг синтактик қурилиши поэтик нутқнинг синтактик қурилиши талабларига яқинлашиб қолади. Бу ҳолат муаллифнинг поэтик маҳоратидан далолат беради. Ёзувчи Тоғай Мурод асарларини синтактик таҳлил қилганимизда, ҳар бир гап қурилиши ёки бўлақларнинг жойлашуви грамматикага зид ҳолда шакллантирилганлиги, аммо маълум бир мақсадга функциялашганини кўришимиз мумкин. Масалан:

Мен, жойимдан туриб кетайин, дедим. Тагин, қўй, дедим. Катталар олдида қоқилиб кетиб шарманда бўлма, дедим.

Катталар бири қўйиб бири сўзлади.

Бир катта бир нима ўқиб-ўқиб берди.

Бир катта қўл пешлаб-қўл пешлаб эътироз билдирди. Бир катта ёмон бўлиб қолди – кўксини чангаллаб-чангаллаб ташқарилади.

Бир катта араз уриб-араз уриб жўнаб қолди.

Ўликкўз катта ҳамон бет-бошимдан кўз айирмади.

Келтирилган бадиий нутқ парчасида гап қурилиши ўзига хос, бундан ташқари асар ритмида санаш оҳанги устунлик қилади, яъни ҳар бир гап санаш оҳанги билан айтилади. Парчада ўринсиз такрорлар кўп қўлланилган (*ўқиб-ўқиб, қўл пешлаб-қўл пешлаб, чангаллаб-чангаллаб, араз уриб-араз уриб*), лекин бу тавтология бўлиб кўринмайди. Ўқувчи уни табиий ҳолдек қабул қилади. График жиҳатдан абзац белгилаш қоидалари ҳам бузилган, ҳар бир гапнинг алоҳида абзац сифатида кўрсатилиши матннинг шаклланиш қоидаларига зид келади. Аммо муаллиф мазкур грамматик қоидалардан чекинишлардан маълум бир мақсадда маҳорат билан фойдаланган. Матн таркибида ўзига хос ритм, ички қофияланиш ҳосил қилиш билан фикр таъсирчанлиги кўчайтирилган.

Шеърини мисраларда эса энг охирида қўлланган сўзнинг ўрни муҳим ҳисобланади. У нутқ оҳангдорлигини бошқаради. Ҳар бир

ТИЛШУНОСЛИК

шеърий қатор охиридаги товушларнинг мос келиши қисмларни интонацион жиҳатдан бириктиради. Оҳангдошликка асосланган қофия нафақат фикрнинг таъсирли узатилиши учун, балки фикрнинг ривожланиши, таъсир кучининг оширилиши учун хизмат қилади. Қофияни ташкил этган сўзлар кўп ҳолларда асосий ғояни етказиш, ҳиссий-таъсирийлик ва муаллиф позициясини кўрсатиш учун хизмат қилади. Шеърий қаторларнинг ўзаро уйғунлашуви муаллифга кўшимча вертикал алоқани сақлаб туриш имкониятини беради.

Поэтик нутқ мавзусини ёритишда фаол қўлланувчи сўзлар семантик жиҳатдан доминант сўзлар ҳисобланиб, уларнинг ўзаро алоқаси нутқнинг ғоявий мазмунини юзага чиқаради, фикр изчиллигини таъминлайди [4]. Бундай сўзлар тилшуносликда калит сўзлар, марказий сўзлар, доминант сўзлар атамалари остида ўрганилмоқда [5]. Калит сўзлар поэтик нутқда ўзаро семантик алоқадорликни сақлаган ҳолда ассоциатив алоқани ўрнатиш, ўқувчи онгига маълум бир фикр-ғояни эстетик йўл билан сингдириш вазифасини бажаради.

Кўриб чиқилган ва таҳлил этилган мисоллар тасдиқлайдики, поэтик нутқ график жиҳатдан ҳам пухта шаклланган система бўлиб, етказилаётган ахборот билан бирга эстетик, услубий ва ҳиссий-таъсирийлик ифода этади. Бундан ташқари, поэтик нутқнинг синтактик тузилишида муҳим вазифа бажарувчи, унинг таъсир этиш функциясини кўчайтирувчи воситалар борки, улар тилшуносликда умумий ном билан синтактик фигуралар, деб юритилади. Уларнинг асосий вазифаси поэтик нутқ қисмларини шаклий-мазмуний жиҳатдан бириктириш, нутқ яхлитлигини таъминлаш билан бирга нутққа ҳиссий-таъсирий пафос киритади. Бундай воситаларнинг энг маҳсулдорлари сифатида такрор ва унинг турлари, синтактик параллелизм, градация, хиазм кабиларни кўрсатиш мумкин.

Нутқ муаллифининг ўзига хос баён услуби ва поэтик нутқ яратиш маҳорати ўқувчининг асар оламига кириши, муаллиф мақсадига ҳамоҳанг фикрлай бошлаши, нутқ муаллифи томонидан олдинга сурилаётган ғояни англай олиши ва тасвирланаётган воқеликни чуқур ҳис қилиши учун замин яратади. Нутқ муаллифининг индивидуал ўзига хослиги асарга ифодалилик, фикрий тиниқлик, аниқлик бера олувчи ҳиссий-таъсирий бўёқдор тил воситаларидан унумли ва ўринли фойдалана олиши билан белгиланади. Поэтик нутқнинг яратилиш жараёнида халқ тилида мавжуд бўлган

бирликларнинг қўлланилиши адабий тилни бойитади, адабий тилга янги бирлик ва шаклларнинг кириб келиш жараёнини тезлаштиради. Бунда нутқ муаллифи тилнинг ривожланиш қонуниятларига тўла амал қилади, адабий тилнинг ифода имкониятларини юзага чиқарувчи бирликлар билан бойишига ўз ҳиссасини қўшади.

Нутқнинг образли ва таъсирли ифода этилиши сўз, гап ва жумлаларнинг ўзига хос тарзда қўлланиш усуллари ҳамда синтактик фигура сифатида реаллашуви билан боғлиқ. Тилимизда бадиий нутқнинг таъсирчанлигини ошириб, эмоционаллик ҳосил этадиган, ўзига хос интонацион яхлитлик ифодаловчи шундай воситалар борки, улар услубшуносликда поэтик воситалар – фигуралар атамаси остида ўрганилиб келинади. Бундай воситалар нутқни таъсирли ва жозибали қилиш билан бирга, фикрни тингловчига тез, қулай ва осон етказиш имкониятини беради. Ана шундай услубий воситалар-фигуралардан бадиий матнларни шакллантиришда ҳам муҳим функция бажаради. Бадиий матнларда ифодали нутқ воситаси сифатида муҳим роль ўйнайдиган, мазмунан стабиллашган нутқ оборотлари синтактик-стилистик фигуралар, дейилади.

Поэтик нутқнинг яна бир диққатни тортувчи белгиси экспрессивликдир. Ҳозирги замонавий тилшуносликда экспрессивлик тушунчаси нутқда образлиликни кўчайтириш ва фикрни тингловчига тез ва осон етказиш усули сифатида баҳоланади. Шунингдек, экспрессивлик воқеликни ҳиссий-таъсирий тасвирлаш ва шу тарзда тингловчи онгига таъсир этиш ҳамдир. Экспрессивлик ифодалиликнинг кўчайиши, тасвирийликнинг кенгайиши, баён қилинаётган воқеликка алоҳида урғу бериш орқали фикрий тиниқликка эришиш учун коммуникатив оқимнинг шиддатлилик касб этиш усули, деб ҳам эътироф этилади [6]. Поэтик нутқнинг экспрессивлиги асарнинг умумий мазмуни ва муаллиф қарашларини ифодалироқ, таъсирлироқ етказа олувчи тил воситалари тизими ҳамдир. Бу, ўзаро бир-бирини талаб этувчи, бир-биридан келиб чиқувчи, бир мақсад йўлида бирлашувчи лингвистик воситалар тизими бўлиб, фикрни тингловчига тез ва таъсирли етказишда муҳим омил ҳисобланади. “Асарнинг умумий экспрессивлиги – таъсирийлик, баҳолаш, образлилик, интенсивлик, услубий хосланиш ва нутқ композицияси каби лингвистик категорияларнинг бирикуви натижаси ҳисобланади [7].

Хулоса қилиб айтганда, поэтик нутқни бирлиги турли аспектларда текширилиб, ўрганишда уни тилнинг барча сатҳлари атрофлича ўрганилгандагина унинг барча қонуниятлари бўйича тадқиқ этиш мақсадга лингвистик хусусиятлари ойдинлашади. мувофиқ, чунки ҳар қандай тил ёки нутқ

Адабиётлар.

1. Трофимова Ю.М. Лингвистика поэтического синтаксиса. – Саранск 2015.
2. Жирмунский. Теория литературы. Поэтика, Стилистика. –Л., 1977.
3. Попова З.Д. Поэтическая стилистика как предмет исследования // Поэтическая стилистика. – Воронеж, 1982.
4. Виноградова В.Н. Определения в поэтической речи: Поэтическая грамматика. – М.: ООО Издательский центр «Азбуковник», 2006.
5. Тюленев С.В. Теория перевода: учеб. пособие – М.: Гардарики, 2004. Башкова Л.Р. Ключевые элементы в поэтическом тексте // Русский язык в школе. – 2008. – № 2.
6. <https://studfile.net/preview/5756376/page:33/>
7. Телия В.Н. Экспрессивность как проявление субъективного фактора в языке и ее прагматическая ориентация // Человеческий фактор в языке: Языковые механизмы экспрессивности: [монография]; отв. ред. В. Н. Телия. – М.: Наука, 1991.
8. Маслова В.А. Параметры экспрессивности текста // Человеческий фактор в языке: языковой механизм экспрессивности. – М., 1991.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).